

Қабул-2021: Бугун мадрасаларга қабул тест синовлари очик майдонларда ўтказилади



13:20 / 18.08.2021 1710

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Ислом билим юртларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари 2021 йил 18 август куни

2-сменада бўлиб ўтади ва 19:00 да бошланади.

Тест синовлари республика бўйича қуйидаги очик майдонларда ўтказилади:

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Қорақалпоғистон Республикаси – “Турон” марказий стадионида;

“Саййид Муҳйиддин маҳдум” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Андижон вилояти – Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби стадионида (3-сектор);

“Ҳидоя” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Наманган вилояти – 17-болалар-ўсмирлар спорт мактаби “Навбахор-умид” стадионида;

Мир Араб ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва.

“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларига топширган абитуриентларники

Бухоро вилояти – “Дилкушо” теннис спорт мажмуасида;

Фахриддин ар-Розий ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Хоразм вилояти – Футбол академияси қошидаги “Хоразм” спорт мажмуасида (1-сектор);

“Имом Термизий” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Сурхондарё вилояти – Термиз ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати футбол майдонида;

“Хожа Бухорий” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Қашқадарё вилояти – “Насаф” футбол клуби машғулотлар майдонида (2-сектор);

“Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва

“Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларига топширган абитуриентларники

Тошкент шаҳри – Ботаника боғида (1-2-3-4-секторлар).

Абитуриентларни 17:30дан бошлаб тест синови ўтказиладиган ҳудудга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва имтиҳон рухсатномаси билан киритиш бошланади.

Абитуриентлар тест синовида иштирок этиш учун рухсатномани Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг qabul.muslim.uz сайти ҳамда @qabulmuslimuz_bot бот ва @qabulmuslimuz2_bot бот телеграм ботлари орқали олиши мумкин.